

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

26 октябрь, шанба, 1996 йил  
Сотувада эркин нархда. № 218 (1470)

## ЭРТА ЭККАН ЭРТА ЎРАДИ

Сурхондарё галлакорлари эрта эккан, эрта ўради, деган ақидага амал қилиб суғориладиган 96 минг гектар ерга галла экишни тугалладилар.

Бу муҳим иш учун бир ой қийоғ қилди. Дон эрта экилиб, суғорилган майдонларда яшил майсалар пайдо бўлди. Айни вақтда лалми ерларга ҳам кузги дон экиш ишлари бошлаб юборилди.

Вилоятда галла-уруғчилиги алоҳида эътибор берилмапти. Келгуси йилдан ҳар бир туман ўзини-ўзи сара дон уруғчилиги ташкил этди. Уларда бугдойнинг «Добрий», «Сангзор», «Спартианка», «Скифианка», «ЮНА» каби серхосил навлари парваришлана бошлади.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик ва республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Тожқенов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Тожқенов Мирзо Улуғбек тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда республика Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг оғир босқичи ортада қолди, деди Президент. Ўзбекистон тараққиёт ва ривожланиш йулидан собитқадамлик билан бормоқда. Янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида жаззалиқларнинг ҳам ҳиссаси, муносиб ўрни бор. Вилоятда кейинги икки-уч йил мобайнида бир қанча ободонлаштириш ишлари бажарилганини, айниқса Жиззах шаҳри қиёфаси миллий услубда ўзгарганини, янги бозорлар қуришга эътибор берилганини қайд этмоқ даркор.

Лекин, шуни таассуф билан таъкиллаш лозимки, вилоятда ислохотларни амалга ошириш, меҳнаткашларни долзарб масалаларни ҳал

этишга сафарбар қилиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишларнинг самараси ҳамон пастлигича қолмоқда, деди юртбошимиз. Хусусан, халқ ҳўжалигидаги етакчи тармоқ — пахта етиштиришда аҳвол мутлақо қорикарли эмас. Бу борадаги режалар тўрт йилдан буён сурункасига бажарилмай келмоқда. Шу давр мобайнида вилоят бўйича ҳўсилдорлик 6-7 фоиз камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда бу йил қарийб 500 минг тонна галла етиштирилиши керак эди. Лекин давлатга галла сотиш режаси 53 фоиз бажарилди, ҳолос. Бу ҳўлнинг сабаби ерларни вақтда шудгор қилмаслик, экиш муддатларини кечикти-

риш, уруғ сифати эътибор бермаслик, техника воситаларини мавсумга пухта тайёрламаслик, қисқача айтганда — вилоят, туман ва ҳўжалик раҳбарларининг ишга етарли масъулият билан ёндашмаётганлигида, боқимандлик кайфиятидан ҳалос бўла олмаётганлигида. Бундай ўзибуларчилик кайфиятига барҳам бериш керак.

Қишлоқда янги ишчи ўринлари барпо этиш, фуқаролар соғлигини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ва маънавиятни юксалтириш борасидаги ишларни жонлантириш ҳам ҳар бир раҳбарнинг диққат марказида туриши зарур.

Ислохотларнинг муваффақияти кадрлар малакасинга, ташкилотчилик қўбиятига,

жонқуярлигига, ҳўлол ва покчилигига, нечоғли ватанпарварлигига боғлиқ, деди Ислам Каримов пировардида. Ишонаманки, ҳамма аҳилик билан меҳнат қилса вазиятни ўнглаб олиш, вилоят тараққиётини тезлаштириш мумкин. Фақат имконият ва ҳўракатлар, гоё ва мақсадлар бирлигига эришмоқ даркор.

Сессияда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғўломов, Бош вазир ўринбосари Р. Гиныйтуллин қатнашди.

(Ў.А.)

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Комилжон Раҳимов Япониянинг мамлакатимиздаги Фахуллода ва Мухтор элчиси Коучи Обата билан учрашди.

Узаро сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, жумлалан, Самарқанд, Бухоро ва Хива аэропортларининг замон талабларига мос қайта ташкирлаш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.)

### ДўСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмасида Япониянинг «Фукусима—Ўзбекистон» маданият-иқтисодий уюшмаси президенти Ито Цукаса бошчилигидаги делегация аъзолари билан дўстона учрашува бўлди.

Учрашувада сўзга чиққанлар маъруза уюшмасини Ўзбекистон билан Япония халқлари ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлашга катта ҳўсса қўшаётганини алоҳида қайд этиб, бундан буён ҳам мамлакатларимизнинг бу алоқалари янада кенгайишига умид билдиришди.

(Ў.А.)



**И. РИБКИН Т. ГУЛЬДИМАНН БИЛАН УЧРАШДИ**  
Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин ЕХАҲнинг Чеченistonдаги миссияси бошлиғи Т. Гульдиманн билан учрашди. Рибкин Чеченiston Президентини Зелихом Яндарбиев ва Бош вазир вазифасини бажарувчи Аслон Масхадлов Гульдиманн орқали оғзаки муружаат жўнатди. Муружаатда хавфсизлик кенгашининг ян-

## САМАРҚАНДА СОҲИБҚИРОН ТўЙИ

Минораю гўмбазларнинг фусункор илияй бўёқлари осмон ранги билан қоршиб кетган Шарқнинг қадим, муззам шаҳри бугун олти асрлик ўтмишига қайтиб ўз салобати, улўғворлигини қайтадан кашф этмоқда. Етти икким ҳўкўмдори Амир Темур салтанатининг пойтахти сифатида асл қиёфасини тиклаб, жаҳонни хайратга солаётир.

Соҳибқироннинг юртин обод ва озод кўриш, миллатларларига дармон бўлиш йўлидаги улўғ ва машаққатли ишлари миннатдор авлодлар қалбидан мангу жой олажагини намўён этмоқда.

Самарқандга, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳўзратларининг 660 йиллик юбилейи тантаналарига таширф буюрган кишилар бун яна бир қарра чўқур ҳис қилдилар. Юбилей муносабати билан соҳибқирон пойтахти чинакам шодиналар оғушида қолди. Эрта тонгданқў Регистон узра янграган қарнай-сурнай салолари барча-барчани тантанана чорлади. Бу ерда самарқандлик энг моҳир пазандо соҳибқиронлар ширинлаб шоиру санъаткорлар халқ хизматида бўлишди. Савдо ва миллий ҳўнармандчилик маҳсулотларини кўргўзмаси уюштирилди. Регистон майдонига таширф буюрганларга наҳор оши берилди.

Эрталаб соат тўққиз. Байрамона безатилган Самарқанд тайёрағида юбилей тантаналарида қатнашиш учун келган меҳмонларни кўтиб олиш маросими бўлди.

«Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тўрттин ўрни» халқаро илмий конференция иштирокчилари, хоржий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчионалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, чет эллик журналистлар буюк соҳибқирон таваллутидан 660 йиллик тантаналарига иштирок этиш учун Самарқандга келдилар.

Самарқанд заминидаги илк таширф жаҳон тарихида ёрқин эл қолдирган улўғ даҳо — Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиб, унинг шахсига эҳтиром билдиришдан бошланди.

Меҳмонлар 1399-1404 йил-

лари соҳибқирон бунёд эттирган Бибиҳоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамблини томоша қилдилар. Улуғбек расадхонасига таширф, айниқса, қизилқорни бўлди. Бу ерда меҳмонлар соҳибқирон ҳўмилий қилган илм-фан мактаби эришган юксак илмий натижалардан оғоҳ бўлдилар.

Конференция иштирокчилари ва бошқа меҳмонлар соҳибқирон бунёд этган 19 боғнинг 17 таси жойлашган Самарқанд туманида бўлиб, ана шу гўзал боғлардан бири бўлган «Боғи Бехиш»га таширф буюрдилар. Улар бу гўшада турли миллат фарзандларининг жам бўлиши, тарихин ўрганиш борасидаги ҳамкорлиги дунё халқларининг бир-бирини чўқур англашга кўмак беришини таъкидладилар, ана шундай имконият учун Темур даҳўисидан миннатдор бўлиш лозимлигини, бугун ислохотларни дадил амалга ошираётган ўзбек халқи, албатта, ўзининг эзгу мақсадларига эришишига ишонч билдирилди.

Меҳмонлар кўтлўғ қадимжоларга таширф чоғида соҳибқирон қабрини зиёрат этдилар.

Шу кўни «Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлис залига конференция қатнашчиларининг журналистлар билан учрашуви бўлди.

Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари С. Санҷодқосимов конференция якунида халққа сўзлар экан, унинг муваффақият билан ўтганини, Ўзбекистон ҳўкумати анжуман иштирокчиларининг темурийхонлик кўнлари ўтказиб туриш ҳўқидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Вилоят ҳўқимлиги номидан меҳмонлар шарофига тантанали қабул маросими уюштирилди.

Кечқурун кўнун Регистон майдони тантаналар марказига айланди. Қадимий қадимжол чинакам байрамона безатилган. Илияй гўмбазлар, кўркам ко-

шилар анвойи гулларга бурканган. Уларга яраш тушган замонавий безаклар кўнча обидларга янада ўзгача чирой бахш этган.

Бу ерда илмий конференция қатнашчилари, хоржий давлатлардан келган меҳмонлар, элчилар таширф буюрдилар. Мамлакатимизнинг фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари, фахрийлар, фаоллар, минг-минглаб фуқаролар йиғилди. Регистон узра оқшом чўка бошлаган, барчанин эътибори буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йилгига бағишланган театрлашган томошаларга қаратилди. Майдон ўртасида ўринтилган сахна ёришиб, бирин-кетин санъаткорлар чиқиб келдилар. Меҳмонлар ва байрамга таширф буюрган минглаб кишилар Амир Темур ҳўкўмининг энг хайсўноли ва шиддатли лаҳзаларини қамраб олган жуда мазмўнор ва эзуклилик билан тайёрланган спектаклни томоша қилди.

Соҳибқиронга бағишланган томошалар ва халқ сайли шу кўни ярам тунгача давом этди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халидов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тадбирларини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғўломов, Х. Жўраев, Самарқанд вилояти ҳўқими А. Маршўев, Самарқанд шаҳар ҳўқими А. Носиров, республика ташкилий вазирлари А. Комиллов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Амирқул КАРИМ,  
Ҳўзма ШУКУР.

## СОҲИБҚИРОН — БАРЧАГА ИБРАТ

Маълуки, улўғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан, 24 октябрь куни Тошкентда «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида турган ўрни» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. 25 октябрь куни ан-

жуман қатнашчилари Самарқанд шаҳрига таширф буюриб, юбилей тантаналарига иштирок этдилар.

Ў.А. муҳбирлар конференция қатнашчиларининг айримларига муружаат қилиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашини сўради.

**Фатҳий Ал-ЖУВАЙЛИ (Миср):**  
— Мен сизларга кўшни бўлган Афғонистонда кўп йиллар ишладим. Уша вақтда Жайхун дарёси ордин туриб сизнинг тупроғингизга кўз тиккан маҳалларим жуда кўп бўлган. «Бу юртда ўзбеклар — мусулмонлар, буюк Амир Темурнинг авлодлари яшайди. Шавкатли лашкарбошининг киндик қони айнан шу ерга тўкилган», деган хайлар мен тарк этмасдим.

Шунинг ҳам алоҳида таъкиллаш лозимки, мен дипломат сифатида Амир Темурнинг ҳўёти ва фаолиятини кўп нарсга ўргандим. Бун ян карангки,

орадан шунча вақт ўтганига қарамай, Амир Темур дипломатияси ҳўли ҳам қимматли ва кенг қамровли манбаланига қолаетир. Анжумандаги маърузам учун «Амир Темур дипломатияси» мавзуини таянлаганимнинг боиси ҳам шунда.

**Бевтрис МАНЗ (АҚШ):**  
— Соҳибқирон ҳўётига Америкада азидан қизиқиб катта. Бу қизиқиб унинг юрти озодликка эришга янада орди.

Мен анжуманда соҳибқироннинг Тўхтамши билан қилган муҳоробалари ва уларнинг тарихий оқибатлари ҳўқидаги маърузамнинг тайёрлаб келдим. Айван шу мавзуини таянлаганим бежиз эмас. Чўнки, шавкатли саркарданнинг

барча фазилатлари орасида менга энг ёққан — чиройли муомала, кеңиримиллик ва миллатпарварлик. Маълуки, Амир Темур жаноблари Тўхтамшини қанчол аяса, унга қанчалик қўшмолик қилса, рақибни фақат бунинг тескарисини қилган. Садокатта сотқинлик, сулҳга қийнат ила жаваб қайтарган. Шунга қарамай, Амир Темур уни кеңир қўлади, охири мўғул хони зулмига чидашга тоқат қолмагачина, унга қарин жангга кирди ва Тўхтамшини узлесилад етди. Менимча, икки шахс ўртасидаги муносабатлар ва жанг натижаларининг аҳамияти ҳўли тўла ўрганилмаган.

Вашингтон (Франс-пресс). Афғон толибларининг раҳбарини Қўбулда АҚШнинг ваколатларини қўбул қилганидан бош тортишди. Уларнинг фикрича, бу таширф «американистлар сўйиб омили» бўлиши мумкин эмас, деб хабар беришди Франс-пресс.



СУРАТЛА: Қўбул кўчаларида. Ассомблея Пресс олаш сурат.

Вашингтон (Франс-пресс). Афғон толибларининг раҳбарини Қўбулда АҚШнинг ваколатларини қўбул қилганидан бош тортишди. Уларнинг фикрича, бу таширф «американистлар сўйиб омили» бўлиши мумкин эмас, деб хабар беришди Франс-пресс.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FАRMONI**  
**Ш. М. МИРЗИЁЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТўҒРИСИДА**  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:  
Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1996 йил 25 октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FАRMONI**  
**А.Х. ТОШКЕНБОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТўҒРИСИДА**  
Алишер Холмуродович Тожқенов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1996 йил 25 октябрь

**Бизнинг шарҳ**

# МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — ЯГОНА ТўЛОВ ВОСИТАСИ

**Бу ҳақдаги мавжуд қонунларни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.**

**Мустақил мамлакатимизда валютани тартибга солиш тўғрисида амал қилаётган қонунларга мувофиқ, миллий валюта — сўм Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона тўлов воситаси ҳисобланади. Хоржий валютада, шу жумладан, нақд ҳисобкитоблар ва тўловларни амалга ошириш эса ман этилган. Амалда нима бўлаётти ўзи?**

Гарчи маъруз тартибни бузганлик учун жавабгарлик, ҳатто жиноий жавабгарлик қораларини қўллаш кўзда тутилган бўлса-да, ақнабий фуқаролар каттагина миқдордаги хоржий валютани республикамизга олиб келиш ва ҳисобкитобларда улардан фойдаланиш ҳўқуқларига йўл қўймоқдалар. Улар аслида бозорнинг назорат қилинмаётганидан фойдаланиб, ана шу валютани тайирқилишни сотиш ва олинаётган даромадларининг солиққа тортилишидан бўйин товлашни кўзлаб шу тарзда иш юритмоқдалар. Бу эса, биринчидан, республикада валютани тартибга солиш тўғрисидаги мавжуд қонунларнинг жиддий равишда бузилишига сабаб бўлаётти, иккинчидан, миллий валютага нисбатан илонгича салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўни кеча матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг «Республикада нақд хоржий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги Фармони юқорида қайд этилган тартиб-қўдаларнинг бузилишига чеқ қўйибгина қол-

масдан, балки мамлакатимизнинг бу борадаги қонунларига оғишмай риоя этишини ҳам таъминлайди.

Ушбу ҳўжатда, аввало, қорхоналар ва ташкилотлар, бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар — резидентлар ва нереизидентларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта — сўм ягона қонуний тўлов воситаси эканлиги, маъруз қондан бугунгилк учун жавабгарлик, ҳатто жиноий жавабгарлик қўзда тутилгани, шунинг учун уларнинг мамлакатда белгиланган тартибга қатъий риоя қилишлари лозимлиги яна бир қарра эслатиб ўтилди. Шу билан бирга, энди юридик шахсларнинг нақд хоржий валютани олиб киришлари ва олиб чиқиб кетишларига йўл қўйилмайди. Жисмоний шахслар олиб киришдан нақд хоржий валютани эса белгиланган тартибда божхона декларацияси тўғрисидадан кейингина ўтказилад.

Улар — резидентлар ва нереизидентлар 3000 АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги нақд хоржий валютани олиб киришлари чоғида, албатта, ана шу сумманин икки фоизи миқдорда йилим ундирилади.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, республикамиз ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар ва нереизидентлар ҳамда хоржий сармоялар иштирокидаги қорхоналар томонидан барча турдаги ишлар ва хизматлар ҳўқинини, шу жумладан, маюш ва унга тенглаштирилган тўловларнинг нақд хоржий валютани воситасида берилиши қатъийан ман этилади. Маъруз тўловлар фақат Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасида, шунингдек, сўмларни республика тижорат банкларинидаги тегишли қўшибаракаларга ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгилан қўйилди. Фармоннинг ушбу банди бажарилиши учун барча мулкчилик шаклидаги қорхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан масъулдилар.

Бунинг бузилишига йўл қўйилган тақдирда эса, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавабгарлик чоралари қўлланилади.

Муҳтасар қилиб айтганда, ушбу Фармоннинг қабул қилиниши айни мўдало бўлди. Бу ҳўжат миллий валютани — сўминин қад-қимматини янада ошириши, унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият қасб этди.

**И. ЎТБОСАРОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**Internet**  
ДУНЕ  
ЭНГ СУМБАГ И ЯНГИЛИКЛАР

**И. РИБКИН Т. ГУЛЬДИМАНН БИЛАН УЧРАШДИ**  
Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин ЕХАҲнинг Чеченistonдаги миссияси бошлиғи Т. Гульдиманн билан учрашди. Рибкин Чеченiston Президентини Зелихом Яндарбиев ва Бош вазир вазифасини бажарувчи Аслон Масхадлов Гульдиманн орқали оғзаки муружаат жўнатди. Муружаатда хавфсизлик кенгашининг ян-



«Оқ олтин»—96

# ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ!

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА  
1996 ЙИЛ 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ  
(фоиз ҳисобиди)

Вилоятлар	Бир кунда	Маъсум бошдан буён
Андижон	0,75	95,76
Хоразм	1,00	86,90
Сурхондарё	0,67	83,10
Бухоро	0,94	82,10
Қашқадарё	0,77	81,29
Навоий	0,92	77,67
Самарқанд	1,71	77,29
Тошкент	0,98	74,67
Наманган	0,75	71,42
Фарғона	0,79	70,43
Қорақалпоғистон Республикаси	0,95	55,04
Сирдарё	0,93	50,92
Жиззах	0,92	48,34
Республика бўйича	0,92	73,92
1995 йилда	0,68	91,34



Ғиждувои туманидаги Абдуҳолик Ғиждувоий номи жамоа ҳўжалигининг Ж. Облаев бошлиқ бригада пахтакорлари гектардан 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олинди.

СУРАТДА: теримчи Г. Раҳимова.

Ҳ. Курбонов олган сурат.

Бугуннинг гапи

## АЙБ ОБ-ҲАВОДА ЭМАС, ТАШКИЛОТЧИЛИКНИНГ ЙЎҚЛИГИДА

Республика пахта майдонларида йиғим-терим ҳал қилувчи паллага кирди. Бироқ терим суръати ўтган йилга нисбатан анча орқада. Шу йил 24 октябргача бўлган маълумотларга кўра республика бўйича 2 миллион 920 минг 167 тонна пахта тайёрланган. Утган йилда шу даврда 3 миллион 626 минг 278 тонна ҳосил йиғиштириб олинганди. Ордадаги тафозит 17 фоизга тўғри келаяпти. Ноябрь ойи эшик қоқайтганлиги ҳисобга олинса, бу катта узунлиқдир.

Ҳўн, нега бундай бўлди? Тўғри ўтган йил ҳосил мўд бўлди, куз ҳам яхши келган эди. Бу йил эса аввало машина терими камайиб кетди. Масалан, ўтган йил 24 октябрда 528,4 минг тонна ҳосил машинада терилган бўлса, бу йил 197,4 минг тонна бўлди қалле. Агар ҳар бир машина ўртача 50 кишининг ўрнини бошига ҳисобга олинса, бундан вилоят раҳбарларининг пахтани кўл билан териб олмаши, деган шўрирни кўйиб-қувватлаш кўйин. Тўғри, кўл билан терилган пахтанинг сифати юқори бўлиб, нархи ҳам анча ортади. Бироқ республикада ҳозиргача битта машина бир кунда ўрта ҳисобда 1 тонна пахта терган бўлса, бир теримчининг кўнлик унуми 21 килограммга тўғри келаяпти.

Бунинг устига кўп вилоятларда мавҳуд техникани теримга сафарбар этиш ҳам суст. Масалан, Жиззах вилоятида 2 минг 327 та машина мавҳуд бўлгани ҳолда, 23 ноябрь кўни 662 таси теримда қатнашган. Наманганда 681 та машинадан фақат биттаси пахта терган. Навоий вилоятида 446 та, Самарқанд вилоятида эса 710 та машина бўлгўриб, уларнинг биттасидан ҳам фойдаланилмаган. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шунга яқин. Сабоби — юқоридаги ва бошқа баъзи бир вилоятлар бу йил йиғим-терим техникасини ўз вақтида тайёрлаш олмадилар. Улар бунга ҳар хил сабабларни рўкач қилишди. Машиналарнинг иш унуми Тошкентда 1,5 тонна, Қорақалпоғистонда 1 тонна бўлиб, Жиззахда бу рақам 0,7 тоннага тўғри келаяпти. Қашқадарё эса бир кунда мавҳуд 2 минг 783 та машинадан 358 таси пахта терими-

да қатнашиб, бу техникалар бор йўғи 248 тонна пахта терди. Вилоятларда кўл терими ҳам бир хил эмас. Масалан, Тошкент вилоятида 23 октябр кўни 140 минг 500 нафар теримчи ўрта ҳисобда 25,5 килограмм пахта терган бўлса, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич бор йўғи 10 килограммга, Навоийда 17,3 килограммга тўғри келган. Ҳозирга келиб, республиканинг Ўзбоскан, Булоқбоши, Шаҳрихон, Жалолқўдқ, Қўрғонтепа, Узу, Асақ, Пахтачи, Андижон каби ўнлаган ашё тумани режани бажариб қўйди. Лекин баъзи бир туманларда шартшароит бир хил бўлгўриб, бу ишнинг улдасидан чиқолмайпдилар. Миқсод учун, Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб режани бажарган Пахтачи тумани пахтакорлари терим суръатини ҳали ҳам бўнаш-

тирганлари йўқ. Паёраққ ту-мани эса 24 октябрга режани энтина 46,32 фоизга бажариб, вилоятда охири ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Шу кўнча бўлган маълумотларга қараганда, режани Сирдарё вилоятининг Мирзобод тумани 31,15 фоиз, Шароф Рашидов тумани 32,71 фоиз, Жиззах вилоятининг Дуслук тумани 36,34 фоиз, Зомин тумани 37,43 фоиз, Қорақалпоғистондаги Кетейли тумани 31,88 фоиз бажариш ҳолис. Бошқача қилиб айтганда, улар ноябрь ойи яқинлашиб қолганига қарамастан режанинг ярмига ҳам этиб келолмади. Шундай экан, юқоридаги ва бошқа шўнга яқин бўлган туманлар ўз олдига қўйган вазифаларини қанон адо этиди?

Бир сўз билан айтганда, республика вилоят ва туманларида пахта терими бир маромда олиб борилаётгани, яъни бир ерда яхши бўлса, бошқача акси. Бунинг сабаблари юқорида тикчиланган ташқари ишда ташкилотчилик этишмаётганлиги, гуза вақтида омак-лангирлиб, яхши тарғариш қилинмаётганлиги оқибатида ҳосил кам бўлиб, бунинг устига пахта кеч нишиб этилганлигидадир. Қолган ишга эса қорғачи. Яъни ер кеч бўшоб, кузи шўдор кечилмади, мўлжалланган галла экилмай қолди. Шўнинг учун юқорида тилга олинган ва қолқилка йўқ қўйиётган бошқа вилоят, туман раҳбарлари вақтинан тўғри ҳўлса чиқариб, аҳолини ўнлаш чораларини кўришлари лозим.

Ғулор ЮСУПОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

АНВАР  
МАРАСУЛОВИЧ  
КЎЧҚОРОВ

Анвар Марасулович Кўчқоров узок давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди. А. Кўчқоров 1916 йилнинг декабрида Тошкент вилоятида туғилди. Тажрибали дипломат. Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири, маданият вазири, халқ таълими вазири — Анвар Кўчқоров ҳаётининг муҳим босқичлари аниқ шўнадай. Сўнги ишларида у ташқи ишлар вазирлигида ишлаб, давлат хизмати ва дипломатия иши соҳасидаги бой тажрибасини ёш авлодга ўргатди. Анвар Марасулович ва-танпарвар инсон бўлиб, маданият ва халқ таълимининг ривожлантиришга катта ҳўсса қўшди, ҳорижда Ўзбекистоннинг мўнисиб вакили бўлди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими» фахрий унвони, Фахрқлода ва Мухтор элчи мақоми берилган эди. Унинг фидокорона меҳнати кўп орден ва медаллар билан тақдирланган, у бир неча чакўриқ республика Олий Кенгашига депутатликка сайланган эди. Таниқли дипломат, гам-хўр мураббий, меҳнат фахрийси Анвар Марасулович Кўчқоров хотираси унинг дўстлари ва яқинлари, хизматдошлари, шогўрдлари, самарали ҳаётида узок йиллар бирга ишлаган барча кишилар қалбига ҳамиша сақланиб қолади.

Бир гўрўх ўртоқлари.

КОРҲОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР,  
ФИРМАЛАР ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзсаноатқурилишбанк номинал қиймати 1000 сўм бўлган ўз акцияларининг 2-эмиссиясига обуна бошланганлигини маълум қилади.

Ўзсаноатқурилишбанк Марказий Осиёдаги энг йирик банклардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигини молиялаштиришининг ярмидан кўпини шу банк амалга оширади.

Ўзсаноатқурилишбанк дунёдаги энг йирик банклар, шу шумладан Европа, Америка ва Осиё банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. Банк Устав фондининг эълон қилинган миқдори 1 млрд. сўм бўлиб, унинг ярмидан кўпи шаклланиб бўлган.

Қарийб 9 мингга яқин юридик ва жисмоний шахслар банкимиз акциядорларидир.

Банкимизнинг асосий акциядорлари қора ва рангли металлургия, машинасозлик, ёнлиги-энергетика ҳамда қурилиш ташкилотларидир.

Келажакнингизни моддий жиҳатдан кафолатлаш учун биз билан бирга бўлинг, банкимиз акцияларини сотиб олишга шўшилинг, ютқазмайсиз!

Акциялар Ўзсаноатқурилишбанкнинг барча бўлимларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 36-08-26, 33-24-86, 33-33-95.  
Манзилимиз: Тошкент ш., Абдулла Тўқай кўчаси, 3.

FRANCO-POULENC Франция "РОН-ПУЛЕК" фирмасининг Ўзбекистондаги расмий вакили "РОФ-ПУЛЕК Агрошими" жамоаси бутун Ўзбекистон халқини тарихий қадриятлар тантанаси - Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллиги билан самимий тўборакбод этишдан мамнўнлигини изҳор қилади.

# UZDUNROBITA

cellular

УЯЛИ РАДИОТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ  
"ЎЗДУНРОБИТА"

ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРҲОНАСИ

Ўзбекистон халқини катта тарихий юбилей - буюк саркарда ва давлат арбоби

СОҲИБҚИРОН  
АМИР ТЕМУР

таваллудининг 660 йиллиги билан самимий табриклайди ва уларга бахт-саодат, омонлик ва Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайди!

"Ўздунробита" ҚҚ.



БИР ШИМА ЮЙ УСИМА

Республика ойна жаҳоннинг биринчи дастури кузатиб бораётган бўлсангиз сешанбадан бошлаб Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» асарига суратга олинган кўп қисмли видеофильм намойиш этилмоқда.

санъатининг барча услубларини мукаммал баъсиэмиз? — Ҳа, шунинг учун ҳам ўзим- мен ма джу дея атадим-да.

— Машираб ака, сиз ўзингизни Ма Джу деб атадингиз, бу номнинг замирида қандай маъно бор?

деган унвон соҳиб бўлишган. Соҳибқирон Амир Темурининг бу жанговар жанг санъатини тўла ўзлаштирган ма джулардан иборат.

— Ма джуларнинг кийимлари наварларнингдан фарқ қилди. Жумладан, ма джу, яъни «Минг аскар» кийимида доира

Тошкент давлат университетидан олинган тўраққа бир қатор шоғирларим билан иш олиб бораётган. Яқинда Амир Темурининг 660 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон телекомпанияси томонидан шоир Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» асарига суратга олинган кўп қисмли видеофильм (каскадерлар сифатида) қатнашди.



Бунда меҳмон бўлган мудом соғингай, Тоғларнинг мусаффо, ажиб ҳавосин. Бир умр юракда садоси қолгай Зилол сувларининг жўшқин навосин.



Машраб МАТЕКУБ ўғли Юзма-юз «МИНГ АСКАР» — ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МУЛКИ

— Саволингизга жавоб беришдан олдин «Минг аскар» жанг санъатининг нима учун айнан шундай номга юритилиб келинган ҳусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

Умуман олганда халқимиз томонидан бу жанг санъати намойишнинг қуришга бўлган иштиёқ катта.

ОЛҚИШ ОЛИШ ОСОН ЭМАС

Кечаги, бузғунги ва эртанги кунги ўзбек киноси ҳақида «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси Темуралиқ Юнусов билан суҳбат.

— Темуралиқ Юнусов, сўхбатимиз аввалда 90-йилларга бўлган ўзбек киноси ҳақидаги фикр-фикрини билганингиз истардим.

КЕЛИНГ ТИЛИМИЗНИ КАЙГА ОЛАЙЛИК

ИБН СИНО дейдики... САБЗИ

...Зотилжам ва давоми йўталга фойда қилади. Ҳазми қийин, мураббосини ҳазми эса енгилади.

Ўзбек тансиқ таомлари ТУЙМА ҲАСИП

Кўй ёки молнинг қора кесак гўштидан шাপалоқдек кесиб олиб, туз ва зира сепилган ва майда тўғралган пиёз билан бирга келига солиб туйлади.

БЕРМАС ГАЛВИРАДА СУВ ТУРАР

Мақсуд мақорини келиб чиқиши Афанди таърифи билан боғлиқ.

ҚАЙМОҚ ШҶРВА

Қозонга 3 литр сув қуйиб 5-6 дона мақсақжўри сўғисидан думбул ҳолида пиширилган олиб, нустини ариб, иккига бўлиб солиб ва қайнаб пиширилади.

ТОПИШМОҚ

Она 3 боласига олма бўлиб берди. Болалар 4 ташан олганин еб бўлганларидан кейин, уларнинг ҳаммасига ҳам бир омакдан нуста олма олган бўлса, шунга олма қолди.

БОР БУЛАБ ЕМАГАНИНГ УР ТИШИГА, ЙҶК БУЛАБ ЕЙМАН ДЕГАНИНГ УР ТИШИГА!

Бу мақолада ўлган-тирилганига қармай мот-дунё тўлғашга ҳаракат қилмаган, аммо бу мол-дунёни бирордан тугат ўзидан ҳам қизғанилган экинча, хасис одамларнинг ҳамма ўзини бўлма-са ҳам бирориникига кўз тиксиниб, тоғор сўраб, тоғор ҳаёто сўрамай егани беэр, тамбир одамларнинг адабини бериб қўйиш зарурлигини уқришган.

Икки ошна гаплашяпти:

— Уриндигимдаги каналар жуда жонимни оляпти. Улардан қандай қутилишни билмайман.

Кемада кетаётган аёл капитандан сўрайди:

— Капитан, денгизнинг чуқурлиги уч километр дейишяпти. Тугрими?



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҶРАБОЕВ.

БОШҚОТИРМА

Crossword puzzle grid with numbers and clues.